

НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Мусурманова Шахло Илҳомовна

Гулистон давлат педагогика институти,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD), катта ўқитувчи.

Email: shaxlomusirmonova@gmail.com

Босимбекова Мадина Одилжон қизи

Гулистон давлат педагогика институти магистри.

Email: madinabosimbekova1711@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10397108>

Annotatsiya. Ушбу мақолада нотўлиқ оилаларда кечувчи зиддиятлар оилада шаклланаётган турли ёшдаги болалар маънавиятидаги қадриятлар, меъёрлар, тасаввурлар, қарашлар, ҳуқ-атвор меъёрлари тўғрисидаги тасаввурларнинг шакллантирилиши билан ифодаланади. Нотўлиқ оилалар сонининг ортиб бориши ва улардаги болаларни ота-онасиз ўсиши нафақат Ўзбекистонда, балки барча тараққий этган ва ривожланаётган давлатларда ўз ифодасини топган катта ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ижтимоий-психологик ҳамда педагогик муаммодир. Ушбу муаммолар ўз ўрнида бартараф этилмаса, мамлакатни маънавий инқирозга етаклаши табиий.

Таянч сўзлар: маҳалла, жамият, тўлиқсиз оила, қадрият, ота-она, фарзанд, оила, ажрашган оила, тадбиркорлик, оқила аёллар, комплекс, функционал, эр-хотин, никоҳ, зиддиятлар.

CONFLICTS IN NON-FAMILIES AND THEIR SOLUTIONS

Abstract. In this article, the conflicts in non-families are expressed by the formation of perceptions about values, norms, tassavurs, views, norms of behavior in the spirituality of children of different ages, which are being formed in the family. The increase in the number of non-native families and the growth of children in them without parents is a huge socio-economic, spiritual, socio-psychological and pedagogical problem, which is expressed not only in Uzbekistan, but also in all progressive and developing countries. It is natural that these problems lead the country to a spiritual crisis if they are not eliminated in their place.

Base words: neighborhood, society, incomplete family, value, Parent, Child, Family, divorced family, entrepreneurship, reasonable Women, complex, functional, couple, nikox, conflict.

КОНФЛИКТЫ В НЕПОЛНЫХ СЕМЬЯХ И ИХ РЕШЕНИЯ

Аннотация. В данной статье конфликты, возникающие в неполных семьях, представлены формированием представлений о ценностях, нормах, представлениях, взглядах, нормах поведения в духовности детей разного возраста, формирующихся в семье. Растущее число неполных семей и воспитание в них детей без родителей-это большая социально-экономическая, духовная, социально-психологическая и педагогическая проблема, которая нашла свое выражение не только в Узбекистане, но и во всех развитых и развивающихся странах. Если эти проблемы не будут устранены на месте, вполне естественно, что они приведут страну к духовному кризису.

Базовые слова: соседство, общество, неполная семья, ценность, родитель, ребенок, семья, разведенная семья, предпринимательство, разумные женщины, комплекс, функциональный, супружеская пара, брак, конфликты.

Нотўлиқ оилаларда кечувчи зиддиятлар оилада шаклланаётган турли ёшдаги болалар маънавиятидаги қадриятлар, меъёрлар, тасаввурлар, қарашлар, хулқ-атвор меъёрлари тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланмаганлигидан далолат беради.

Оила – жамият, миллатнинг хужайраси. Шу сабабли оилада кечаётган маънавий ислохотлар суръати ва сифати, муаммолари ва истиқболини илмий-амалий, изчил ўрганиб, мониторинг даражасига кўтариш зарур. Чунки миллатимиз тарихидаги энг муҳим маънавий ислохотлар оилалардан бошланганидагина муваффақиятга эришган. Шу сабабли тўлиқсиз оилалар маънавий муҳитини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар, илмий ишлар кўлами кенгайтирилиши лозим. Оилалар маънавиятининг миллий истиқлол мафкураси билан тўлдирилиши, оилаларнинг мафкуравий иммунитетини яратиб, оилаларга ўзга, ёв, диний ақидапарастлик ғоялари кириб келишининг олдини олади, сиқиб чиқаради. Бу нафақат ҳозирги вазият учун, балки мустақилликни мустаҳкамлаш учун ҳам аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Нотўлиқ оилаларда ўсаётган боланинг салбий хулқ-атворига оид қуйидаги ҳолатларни кўрсатиш мумкин. Булар:

тўғри саломлашишни билмайдиган, олифта, сақич чайнайдиган, тўғри келган жойга туфлайдиган, ҳар хил номаъқул кўринишдаги кийимларда юрадиган, ўзига эътибор талаб, дарсга кечикиб келадиган, ўзидан катталарга гап қайтарадиган, уришқоқ, уйига ҳам кеч келадиган, кўча – куйда санғиб юрадиган, ўйинқароқ, бир оз ёлғончи, бошқаларга халақт берадиган, ўзи дарсга тайёрланиб келмайдиган, тарбиявий тадбирлардан кетиб қоладиган,

шанбаликларда фаол қатнашмайдиган, берилган жамоат топшириқларини кўнгилдагидек бажармайдиган, аммо лидерликни хоҳловчи, уjar ноодатий ҳаракатлар қиладиган, эркинликни хоҳловчи ва бошқаларни ҳам шунга даъват этувчи, ҳуқуқига оид камчиликларни тан олсада уни ислоҳ этмовчи, жамоада ўзининг муносиб ўрнига эга бўла олмаган, чекиш ва ичишга мойиллиги бор, ота – оналар йиғилишида тилга олиб ўтилган ўқувчилар хатти-ҳаракати кўриб чиқилиши ва тезкорликда чора кўрилиши керак.

Нуқсонларнинг олди олинмаса, яъни яқка тартибдаги тарбиявий ишлар олиб борилмаса аҳвол ачинарли бўлиши мумкин.

Нотўлиқ оилаларда асосан нотўқис маънавий муҳит ҳукмронлик қилмоқда. Яъни турли ёшдаги болаларни миллий-маънавий тарбиялашда, йигит-қизларни, келин-куёв, ота-она ижтимоий ролларига тайёрлашда муаммолар кўп. Бу жараён маърифий йўналтирилиши мумкин ва зарур. Бунинг учун маҳаллаларда ота-оналар учун “Оила дорилфунуни”, “Маънавият сабоқлари”, “Оила университети”, “Мен кимлар авлодиданман?” махсус курслари киритиш ва уларга тўлиқсиз оилалар – ота-оналарни фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Нотўлиқ оилаларда отанинг етакчи ўрни сақланиб қолмоқда. Аёллар эрларида “меҳрли оилабоши”лик фазилатини “кўпроқ пул топиш”ларидан юқори қўймоқдалар. Бу оилаларимизда маънавиятнинг иқтисоддан ортиқроқ қадрланишини тасдиқлайди. Яъни оилавий муносабатлар негизи пировард натижада маънавий фазилатлар уйғунлигига бориб тақалиши “ўзбекчилик”ка хос белги сифатида сақланиб қолмоқда.

Нотўлиқ оиладаги ўсмир психологиясини унинг ўз тенгқурлари доирасидаги мавқеига солиштириш шуни кўрсатдики, оиланинг тўлиқсизлиги факти бола руҳияти, унинг ижтимоий ҳолати, дунёқараши ва эътиқодига кўпроқ салбий таъсир кўрсатиб, асоциал (ижтимоий нормал ҳуқуққа зид) ҳуқ асосини ташкил этиши мумкин. Бу-аксарият ҳолларда уларнинг жиноят йўлига кириши, гиёҳванд моддаларга кўникиши, таълим ва тарбиянинг самарасизлигида намоён бўлади. Бу вақтдаги ҳар хил низолар ҳолатни янада мураккаблаштиришига олиб келади.

Мутахассис сифатида низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш чораларини излаш йўлида олиб борадиган амалий ҳаракати унинг ўз устида ишлашини ифодалайди.

Маҳалла фуқаролар йиғинидаги масъул ходим болаларнинг етакчиси сифатида ўзининг ижодий вазифаларини тўлиқ бажаришни таъминлаши ва тўғри йўлга йўналтирилганлигини шакллантириши керак. Бу жараёндаги муҳим ҳолатлардан бири – **низо саналади.**

Низо – қарама-қарши, бир-бирига тўғри келмайдиган кучлар тўқнашуви, икки ёки ундан кўп тарафлар орасида ўзаро келишувнинг йўқлиги, манфаатлар тўқнашувини ифодаловчи зиддиятдир. Низо бу – ўқитувчи ва ўқувчи, ота-оналар-маҳалла мутасаддилари-ўқитувчи-педагоглар, ота-она ва фарзандлар, ҳамкасблар ва раҳбарият ўртасида ихтиёрий жараёнда юзага келган манфаатлар тўқнашуви, ўзаро қарама-қаршилиқ, тортишув ва можародир. Маҳалла фуқаролар йиғини ммасъул мутахассиси ҳар томонлама тарбияланган, ақлий, ахлоқий, маънавий жиҳатдан етук, билим доираси кенг, нутқи равон, профессионал билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим.

Ота-она билан маҳалла мутасаддиси ўртасида ўзаро жонли тил, фикрлар олишуви, самимий муносабат, ҳурмат-иззат, асосий мақсадга эришиши учун ҳамкорликда ишлаши лозим. Оилавий низолар ҳаёт давомида нохуш деформацияни пайдо бўлишига тўртки беради. Низолар мунтазам ижобий ўз ечимини топмаса ота-онанинг шахсиятида стресслар, руҳий таранглик, ҳиссий куйиш синдромини келтириб чиқариши мумкин.

REFERENCES

1. Мусурманова А. Improvement of the pedagogical mechanisms of the family and educational institutions in the development of the spiritual culture of adolescents of social and legal risk groups. "Проблемы педагогики" научно методический журнал. № 1(33) февраль Москва-2018 г. 5-7 P.
2. Мусурманова О., Шаамирова Ю.К., Салаева М.С. Маҳаллаларда тўлиқсиз оилалардаги муаммоси мавжуд фарзандлар билан ишлаш механизмлари Услубий қўлланма. Тошкент. 2023.-93 бет.
3. Мусурманова А. Family reading as a factor of spiritual and moral development of the child The Way of Science. International scientific journal (ISSN 2311-2158) 2018. № 1 (47). 70-72 P.
4. Мусурманова III. Issues in the development of socio-intellectual competence of adult student-youth in incomplete families in higher educational institutions. European Scholar Journal (ESJ) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 4 No.11, November 2023
5. ISSN: 2660-5562 29-31 P.